



## MODERN TRENDS IN THE INTERACTION OF INTERNAL AFFAIRS BODIES WITH CITIZENS' SELF-GOVERNMENT BODIES IN MAINTAINING PUBLIC ORDER

Mehmonali Suvankulov

Head of the Department of Legal Sciences at the Institute for Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Candidate of Legal Sciences, Professor  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20731092>

### ARTICLE INFO

Received: 02<sup>nd</sup> June 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> June 2026

Online: 09<sup>th</sup> June 2026

### KEYWORDS

Public safety, internal affairs, mahalla, cooperation, prevention.

### ABSTRACT

*The article analyzes the current state of cooperation between internal affairs bodies and citizens' self-government bodies. Practical results and existing problems in the areas of maintaining public order, control and licensing, quarantine and emergency situations were highlighted, and proposals for improvement were made.*

## ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Мехмонали Суванкулов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20731092>

### ARTICLE INFO

Received: 02<sup>nd</sup> June 2026

Accepted: 08<sup>th</sup> June 2026

Online: 09<sup>th</sup> June 2026

### KEYWORDS

Жамоат хавфсизлиги, ички ишлар, маҳалла, ҳамкорлик, профилактика.

### ABSTRACT

*Мақолада ички ишлар органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Жамоат тартибини сақлаш, назорат-лицензия, карантин ва фавқулодда вазиятлар йўналишларидаги амалий натижалар ҳамда мавжуд муаммолар ёритилиб, такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.*

Бугунги кунда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли билан давлат органлари ўртасида самарали ҳамкорлик механизмларини шакллантириш ҳар бир давлатнинг ички сиёсатида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур соҳада

кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, ички ишлар органлари тизими, хусусан жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институти жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг



муҳим бўғини сифатида шаклланиб, ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали институционал механизмига айланган. Маҳалла институтининг ижтимоий назорат, профилактика ва ахборот алмашинуви функциялари жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, амалиёт таҳлиллари ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик турли йўналишларда амалга ошириляётган бўлса-да, унинг барқарорлиги, институционал асослари ҳамда ягона мониторинг ва ҳисобот тизими етарли даражада шаклланмаганлигини кўрсатмоқда. Айниқса, назорат-лицензия фаолияти, карантин тадбирлари ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан такомиллаштирилиши долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатлар ички ишлар органлари ва маҳалла институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда замонавий бошқарув ва мониторинг механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан, жамоат тартибини сақлаш хизматлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш

органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиниши долзарб илмий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаментининг Жамоат тартибини сақлаш хизмати фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан жамоат тартибини сақлаш, назорат-лицензия фаолияти, карантин тадбирлари ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш соҳаларида ҳамкорлик қилади.

Ижтимоий сўровда иштирок этган ходимларнинг 66,7 фоизи ҳамкорлик асосан жамоат тартибини сақлаш соҳасида амалга оширилишини, 16,7 фоизи эса барча йўналишларда ҳамкорлик сустигини қайд этган.

**Жамоат тартибини сақлаш борасидаги ҳамкорлиги.** Ички ишлар органларидаги ислохотлар натижасида патруль-пост хизмати бўлинмалари ҳудудий ички ишлар органлари бўйсунувига ўтказилиб, хизматни икки ва уч босқичда ташкил этиш тизими жорий этилди. Шунингдек, криминоген вазияти оғир ва аҳоли зич ҳудудларда туманлараро патруль-пост бўлинмалари ташкил қилиниб, “қизил” тоифадаги маҳаллаларга бириктирилди<sup>1</sup>.

Ҳозирда патруль-пост нарядлари республика маҳаллаларининг 31,2 фоизида фаолият юритмоқда, уларнинг 1,7 фоизи маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланади.

<sup>1</sup> <https://www.lex.uz/ru/docs/>;



Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, амалдаги қонунчиликка<sup>2</sup> мувофиқ патруль-пост нарядлари хизматга жалб этилган маҳаллаларда таянч пунктлари, шунингдек маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари таркибида фаолият олиб бориб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик ҳисобдаги шахслар билан ишлаш, оммавий ва миллий тадбирларда хавфсизликни таъминлаш, шунингдек жиноятларни фош этиш ва хавфсиз муҳит яратиш йўналишларида ҳамкорлик қилаётганини кўрсатмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2025 йилда патруль-пост хизмати томонидан 4403 та жиноят фош этилган, 2525 нафар қидирувдаги ва 240 нафар бедарак шахс аниқланган. Шу билан бирга, 887 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарга нисбатан баённомалар расмийлаштирилган бўлиб, бу натижалар ички ишлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида таъминланган<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, патруль-пост хизмати нарядлари маҳаллаларда маъмурий назоратдаги 54 517 нафар, профилактик ҳисобдаги 66 524 нафар ҳамда ов қуролига эга 8 910 нафар шахсни текширишда ҳамкорлик қилган. Шунингдек, 2025 йилда республикада 189 592 маротаба оммавий тадбир ўтказилиб, унда 90,7 млн нафар фуқаро иштирок этган, ушбу тадбирларда жамоат тартиби ва

хавфсизликни таъминлашда патруль-пост хизмати ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилган<sup>4</sup>.

Ижтимоий сўровга кўра, инспекторларнинг 52,6 фоизи ҳамкорликни профилактик ишлар билан, 28,1 фоизи оммавий тадбирлар билан, қолганлари эса маросимлар ва диний тадбирлар билан боғлиқ деб ҳисоблаган, уларнинг 8,8 фоизи ҳамкорлик сўст эканини билдирган.

**Назорат-лицензия ва рухсат бериш соҳасидаги ҳамкорлиги.** Мазкур йўналишдаги ҳамкорлик бевосита ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаментининг Жамоат тартибини сақлаш хизмати ва унинг ҳудудий (вилоят, туман-шаҳар) органларидаги назорат-лицензия бўлинмалари томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ:

а) *назорат-лицензиялаш фаолиятидаги ҳамкорлик.* Тизим ходимлари томонидан 7 722 нафар юридик шахс ва 25 084 нафар фуқаро қабул қилиниб, ўқотар қурол, портловчи моддалар ҳамда муҳр ва штамплар муомаласи бўйича тегишли рухсат этиш ҳужжатлари расмийлаштирилган. Ушбу йўналишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик асосан ов қуроли олишга мурожаат қилган шахслар ва уларнинг оилавий ҳамда ижтимоий-руҳий муҳитини ўрганиш бўйича ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади.

<sup>2</sup> <https://www.lex.uz/ru/docs/>;  
<https://www.lex.uz/ru/docs/>;

<sup>3</sup> [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf);

<sup>4</sup> [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf);



б) қурол ва ўқ-дорилар муомаласида қонунга риоя этиш ва ноқонуний айланмани олдини олишда ҳамкорлик. Мазкур йўналишда 48 733 нафар фуқаро билан 133 548 маротаба қурол муомаласи қоидалари бўйича профилактик ишлар олиб борилиб, 4 649 дона қурол вақтинча олинган ва 9 548 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Ноқонуний муомалага қарши чоралар натижасида 2 951 дона қурол ва 11 430 дона ўқ-дори аниқланиб, 322 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Шу билан бирга, 1 714 дона қурол ва 5 893 дона ўқ-дори фуқаролар томонидан ихтиёрий топширилган. Шу даврда 2 416 та объектда жами 8 707 маротаба профилактик текширув ўтказилиб, 46 та ёзма огоҳлантириш берилган<sup>5</sup>.

Ижтимоий сўровга кўра, ҳамкорлик асосан қуролларни йиғиб олиш (28,9%), назорат текширувлари (20,2%), ижтимоий-руҳий муҳитни ўрганиш (16,7%) ва тарғибот ишлари (15,8%) йўналишларида амалга ошириляётгани қайд этилган. Шу билан бирга, 15,8% респондент ҳамкорлик сушт эканини билдирган.

Таҳлилларга кўра, амалдаги ишлар асосан профилактик чоралар орқали амалга оширилса-да, оммавий тадбирлар пайтида қуролларни йиғиб олиш амалиёти ҳуқуқий аниқликни талаб қилади ва баъзи ҳолларда эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, бу масалани қонун

даражасида аниқ тартибга солиш зарурлиги таъкидланмоқда.

**Карантин тадбирларини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлиги.** Мазкур йўналишда жамоат тартибини сақлаш хизматининг карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалдаги қонунчиликка<sup>6</sup> мувофиқ:

а) 2025 йилда одамлар ва ҳайвонлар соғлиги учун хавfli касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда истеъмолга яроқсиз чорва маҳсулотлари сотилишини бартараф этиш бўйича жами 44 325 маротаба тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилган, шундан 18 079 маротаба деҳқон бозорларда, 4 332 мол бозорларда, 5 650 ярмаркаларда, 4 765 савдо объектларида, 4 428 маҳалла ва овулларда, 1 818 таълим муассасаларида, 1 745 корхона ва ташкилотларда ҳамда 3 508 бошқа объектларда амалга оширилган<sup>7</sup>.

Бундан ташқари, эпизоотик касалликларни олдини олиш бўйича профилактик ишлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилган. Жами 5 032 маротаба чиқиш амалга оширилиб, шундан 322 маротаба телевидение, 1 340 маротаба радио, 311 маротаба газета, 79 маротаба журнал ва 3 080 маротаба интернет сайтлари орқали маълумотлар берилган. Шунингдек, бозор ва савдо объектларидаги радиоузеллар

<sup>5</sup> [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf);

<sup>6</sup> <https://lex.uz/uz/docs/3815502>;  
<https://lex.uz/docs/3027843>;  
<https://lex.uz/mact/2156899>

<sup>7</sup> [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf);



орқали 4 796 маротаба чиқишлар қилинган<sup>8</sup>.

б) ветеринария-санитария қоидалари бузилишини аниқлаш ҳамда жавобгарликни таъминлаш бўйича деҳқон бозорлар (17 515), мол бозорлар (3 672), савдо объектлари (9 098) ва қушхоналарда (1 926) мақсадли профилактик тадбирлар ўтказилган. Шунингдек, ветеринария ва чорвачилик бошқармалари билан ҳамкорликда 43 151 маротаба рейдлар ташкил этилган. Тадбирлар давомида қоидаларни бузган 3 195 нафар шахсга маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жарималар қўлланилган, 8 706 нафар шахс эса огоҳлантирилган<sup>9</sup>.

Ижтимоий сўров натижаларига кўра, ЖТС хизмати ходимларининг 43 фоизи истеъмолга яроқсиз чорва маҳсулотлари сотилишининг олдини олишда, 22,8 фоизи эпидемия, 9,6 фоизи эпизоотиянинг олдини олишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилганини билдирган. Шу билан бирга, 22,8 фоизи ҳамкорлик суст эканини, 3,5 фоизи эса умуман мавжуд эмаслигини қайд этган.

**Фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишда ҳамкорлик.** Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш хизмати бўлинмалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалдаги қонунчиликка<sup>10</sup> мувофиқ ҳамкорлик

қуйидаги йўналишларни қамраб олади: маҳалла аҳолисини фуқаро муҳофазаси тадбирларига жалб этиш, ҳимояланиш усулларига ўргатиш ва хабардор қилиш, ўқув-машғулотлар ўтказиш ҳамда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишни ташкил этиш. Шунингдек, аҳолини эвакуация қилиш, оқибатларни бартараф этишда жамоат тартибини таъминлаш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жабрланганлар масалалари бўйича таклифлар киритиш ҳамда замонавий қирғин воситаларидан ҳимояланишга ўргатиш каби вазифаларда ҳамкорлик қилинади.

Ижтимоий сўровга кўра, ЖТС хизмати ходимларининг 49,1 фоизи табиий офат ва техноген вазиятларда ўқув-машғулотлар ўтказишда, 16,7 фоизи фуқаро муҳофазаси тадбирларида, 13,2 фоизи фуқароларни олдини олиш ва оқибатларни бартараф этишга жалб қилишда, яна 13,2 фоизи жамоат тартибини сақлашда, 7,8 фоизи эвакуация ишларида ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилаётганини билдирган.

Шу билан бирга, амалиёт таҳлили карантин, фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар бўйича ҳамкорликни мониторинг қилиш ва статистик ҳисобот юритиш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаганини кўрсатган. Шу сабабли, бу йўналишда ягона мониторинг ва ҳисобот тизимини жорий этиш зарур.

<sup>8</sup> [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf);

<sup>9</sup> [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf);

<sup>10</sup> <https://lex.uz/docs/32994;>  
<https://lex.uz/docs/6161244;>  
<https://lex.uz/docs/3027843;>



Сўровда иштирок этган ходимларнинг аксарияти маҳалла раиси (71,9%), шунингдек хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва бошқа мутасаддилар билан ҳамкорлик қилаётганини қайд этган. Ҳамкорликнинг умумий ҳолати кўпчилик томонидан “яхши” ва “қониқарли” деб баҳоланган, аммо қониқарсиз ҳолатлар ҳам мавжуд.

Таҳлиллар ички ишлар органлари ва маҳалла институтлари ҳамкорлигини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, замонавий механизмларни жорий этиш ҳамда назорат ва ҳисобот тизимини кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

**Хулоса.** Таҳлиллар ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик кенг қамровли бўлса-да, унинг барча йўналишларда бир хил даражада ривожланмаганлигини кўрсатди. Ҳамкорлик асосан жамоат тартибини сақлаш ва профилактика соҳасида мужассамлашган бўлиб, лицензия-назорат, карантин ва фавқулодда вазиятлар

йўналишларида нисбатан суст эканлиги аниқланди.

Патруль-пост хизмати фаолиятида ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, айрим йўналишларда ҳуқуқий аниқлик, ягона мониторинг ва ҳисобот тизимининг етишмаслиги амалиёт самарадорлигига таъсир этмоқда. Шунингдек, оммавий тадбирларда қурол муомаласи билан боғлиқ амалиётларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

**Тақлиф.** Ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан комплекс тартибга солиш; ягона электрон мониторинг ва ҳисобот тизимини жорий этиш; оммавий тадбирларда қурол муомаласини аниқ ҳуқуқий нормалар билан белгилаш; идоралараро маълумот алмашувини кучайтириш; ҳамкорлик самарадорлигини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш.

Умуман, мазкур ҳамкорлик тизимини модернизация қилиш жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.